Pearson
BTEC

Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража

# Меҳмондўстлик

соҳаси бўйича

Малакалар

**9-модул**: Мехмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона

## Ўқитувчи Ресурслари

**1-нашр**



**Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

**Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96306 7

Ушбу нашрдаги барча материаллар
© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

# Мундарижа


**Кириш** **1**

**9-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона** **3**

Ўқув қўлланма 3

Иш схемаси 11

Дарс режаси 31

# Кириш

Ушбу ресурс буклети Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс буклети сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, буклет сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ресурс буклети сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинадиган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режалари.

Ушбу ресурс буклетидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар BTEC малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур буклетдаги ўқитиш бўйича йўриқнома сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олиниши лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

# 9-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона

## Ўқув қўлланма

### Модул билан танишиш

Ушбу модул ўқувчиларга меҳмондўстлик соҳасидаги янги тадбиркорларни муввафақиятига таъсир қиладиган омилларни ўрганишга ва улар фойдаланиши мумкин бўлган тенденцияларни танлашга имкон беради. Ушбу модулдаги маълумотлар, ўқувчиларга янги бизнес ғоялар яратишда, бизнес режаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёрдам беради.

А ўқитиш мақсади, меҳмонхона соҳасидаги янги тадбиркорларнинг муввафақиятларига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни ўрганишга қаратилган. Буларга, миллий миқёсдаги барча корхоналарга таъсир қилувчи сиёсий ва иқтисодий омиллар киради. Муваффақият ва муваффақиятсизлик ўртасидаги фарқни кўрсатадиган маҳаллий омиллар ҳам кўриб чиқилади. Меҳмонхона соҳасидаги бизнесда, янги ғояларни ишлаб чиқишда қўлласа бўладиган бир қатор замонавий тенденцияларни ўрганиш, ўқитишнинг қўшимча мақсади бўлиб ҳисобланади.

В ўқитиш мақсади, турли хил тадбиркорлик ғояларини яратишга қаратилган. Ўқувчилар энг яхши ғояни танлайдилар, сўнгра ғояни ўзларининг ташкилотларига фойдасини баҳолаш учун стандарт омиллар тўпламини қўллашади.

С ўқитиш мақсади – бу асосан ўқитишнинг амалий мақсади бўлиб, унинг доирасида ўқувчилар ўзларининг ғояларини ишончли бизнес режага айлантиришади. Ўқувчилар ўзларининг режаларини якунлаш ва тақдимотига олиб келадиган тадбирларни ўтказишади. Ўқувчилар сизнинг ва бошқа ўқувчиларнинг шарҳлари асосида режаларининг кучли ва ожиз томонларини чиқаришади.

Ўқувчиларнинг қуйидагиларга имкони бўлиши керак:

- ўқувчилар билан бизнес ташкилоти тўғрисида суҳбат олиб бора оладиган, меҳмонхона бизнесидан таклиф қилинган ҳисоботчиларга;
- баҳолаш учун ишчи дафтарига;
- интернетга.

## Модулнинг бошланиши

Модулнинг бошланиши – бу мазкур модулни ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

| 9-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона |
|---|
| **Кириш**<br><br>Ушбу модул, меҳмондўстлик соҳасида янги корхонани режалаштириш ва яратишда ҳисобга олиниши керак бўлган омилларни ва шунингдек, корхонанинг муваффақият ёки омадсизлигига таъсир қилувчи омилларни ўрганишни назарда тутади. Ўқувчилар ўзларининг ғояларини баҳолашлари мумкин ва ҳаққоний бизнес режани тузиш учун энг кўпроқ мос келадиган ғояни ишлаб чиқишлари мумкин. |
| **А ўқитиш мақсади – Меҳмондўстлик соҳасида бошланғич корхоналарнинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни ўрганиш.** |
| • Модулга киришдан бошланг ва унинг мақсад ва вазифаларини баён қилинг. Ўқувчиларга янги меҳмонхона бизнеси корхонаси учун ғояларни яратиш ва бизнес режаларини ишлаб чиқишларини тушунтиринг. Берилган модул ушбу жараённинг барча босқичларидан ўтишга ёрдам беради.<br><br>• Ўқитишни сизнинг ҳудудингиздаги, меҳмондўстлик соҳасидаги бизнесни ривожлантиришни муҳокама қилишдан бошланг. Агар сизнинг ҳудудингиз ривожланиш учун қулай бўлмаса, унда сиз ушбу бизнеснинг ўсиши кузатилаётган таниш шаҳарни танлашингиз мумкин. Ўқувчиларнинг охирги пайтдаги меҳмонхона бизнесининг ўсиши сабаблари ҳақидаги фикрларини сўранг. Бунга нима туртки бўлган?<br><br>• Меҳмонхона бизнесининг янги тадбиркорлар муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган, мавжуд омиллари ҳақидаги маълумотларни бериш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ушбу омиллар ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишлари мумкин. Сиёсат ва иқтисод соҳасидаги миллий ва халқаро характердаги саволлардан бошланг.<br><br>• Ўқувчилар ҳар бир олинган миллий ва халқаро муаммоларни ўрганиш ва таҳлил қила олишлари учун суҳбат ўтказинг. Ўқувчилар ўзларининг меҳмондўстлик соҳасидаги янги корхонаси учун ғояларни ўрганишда, мурожаат қилса бўладиган эслатмаларни қила олишлари учун ишчи варағини ишлаб чиқинг.<br><br>• Ўқувчилардан янги меҳмонхона бизнесини очилишига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай маҳаллий муаммоларнинг мавжуд бўлиши |

| 9-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона |
|---|
| мумкинлиги ҳақида сўранг. Суҳбатни ва ўқувчиларнинг таклифларини қўллаб қувватланг.<br>• Қуйидаги маҳаллий муаммолар намуналари келтирилган тақдимотдан фойдаланинг:<br>o рақобат;<br>o жойлашув жойларининг, таъминот ва таъминотчиларнинг, манбаларининг мавжудлиги;<br>o иқтисодий муаммолар– миллий ва халқаро муаммоларнинг маҳаллий таъсири;<br>o режалаштиришдаги чекланишлар.<br>• Ўқувчилар ушбу муаммолар сабабларини тушуна олишлари учун уларни муҳокама қилинг. Меҳмондўстлик соҳасидаги шахсий янги корхона учун ғояларни ўрганишда мурожаат қилса бўладиган эслатмаларни қила олиш учун ишчи варағини ишлаб чиқинг.<br>• Ўқувчиларга бизнесга таъсир қилиши мумкин бўлган ходимлар масалаларини ўрганишларини таклиф қилинг. Ўқувчиларни жуфтларга ажратинг, уларга омиллар рўйхатини тақдим қилинг ва улар қандай қилиб бизнесга таъсир қилиши мумкинлигини аниқлашларини сўранг.<br>• Ўқувчилардан сиз ишлаб чиққан вароаққа ўзларининг хулосаларини ёзиб боришларини сўранг. Ўқувчилар бу саволларнинг ҳар бирига жавоб топа олишлари учун суҳбат ўтказинг.<br>• Суҳбат якунида ўқувчилардан меҳмондўстлик соҳасига таъсир қиладиган жорий тенденциялар хақида ўз фикрларини айтишларини сўранг. Суҳбатни қўллаб-қувватланг ва оригинал ғояларни муҳокама қилинг.<br>• Ўқувчиларни тўртта гуруҳга бўлинг. Интернет, тижорат матбуоти, журналлар, телевидения, фильмлар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб, ҳар бир гуруҳлардан қуйидаги тенденциялардан биттасини ўрганишни сўранг:<br>o ижтимоий тенденциялар;<br>o технологик тенденциялар;<br>o атроф-муҳит тенденциялари;<br>o тарбиявий тенденциялар.<br>• Гуруҳлар ўз хулосаларини синфга тақдим қилишлари керак. Аниқланган ҳар бир тенденцияни муҳокама қилинг.<br>• Ўқувчиларни хулосаларини умумийлаштириш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ҳар бир тенденция бўйича уларга қўшимча ахборот |

 © Pearson Education Limited 2020

| 9-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона |
|---|
| беришингиз мумкин, чунки ўқувчиларнинг улар ҳақидаги билим қамрови чекланган бўлиши мумкин.<br><br>• Ўқувчиларга маркетинг ва оммавий ахборот воситалари (тижорат матбуоти, журналлар, телевидения, фильмлар, ижтимоий тармоқлар) нинг тенденцияларга таъсири тўғрисида ахборот беринг. Ахборотни мисоллар билан мустаҳкамланг, маркетинг ва оммавий ахборот воситаларига боғлиқ сўнгги тенденциялардан айримларини тасвирланг. Бу меҳмондўстлик саноатига глобал ва умумий миллий таъсирни ўз ичига олиши мумкин. Ижтимоий тармоқлар тўғрисида, рақамли инқилобларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмолга таъсири ҳақида, Фейсбук ва Инстаграм каби платформаларнинг таъмири тўғрисида ва қандай қилиб технологиялар мехмонхона бизнесида мижозлар билан мулоқотни енгиллаштириши ҳақида суҳбат ўтказинг. |
| **В ўқитиш мақсади – Меҳмондўстлик соҳасида янги корхона учун ғояларни ўрганиш** |
| • Ушбу модул ўқувчилардан янги меҳмонхона бизнеси корхонасини яратиш учун ғоялар яратишни талаб қилади лекин бунинг учун айрим тавсиялар талаб қилинади.<br><br>• Ўқитиш мақсадини тақдим қилинг ва ўқувчиларни баҳолаш мезонлари билан таништиринг.<br><br>• Ушбу ўқитиш мақсадига эришиш учун ўқитишни ғояларни яратиш бўйича тавсияларни тақдим қилиш ва қуйидаги ҳар бир таъкид остида нима назарда тутилаётганини аниқлаш билан бошланг:<br>o маҳсулот ва/ёки хизматларни янги шароитларда тақдим қилиш;<br>o маҳсулот ва/ёки хизматларни янги бозорларга тақдим қилиш;<br>o бозордаги танқисликни аниқлаш;<br>o ҳар хил турдаги мижозларга йўналганлик.<br><br>• Синфда ўқувчилар кўриб чиқишлари керак бўлган бизнеснинг турини муҳокама қилинг. Шуни ёдда тутингки, ўқувчилар бизнес-режа тузишлари керак, шунинг учун ғоялар ҳақиқатга яқин бўлиши керак. Бизнес-ғояларни битта «йўналтирилган» махсулотни сотиш билан чекланиши ўқувчиларга С ўқитиш мақсадига эришиш учун зарур бўлган барча ҳаракатларни бажариш имконини беради. Ўз ғояларини яратишда ҳисобга олишлари зарур бўлган омилларни муҳокама қилинг. |

| 9-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона |
|---|
| • Ўқувчиларга ўз ғоялари устида ишлашларига етарлича вақт тадқим этинг, тўғри келмайдиган ғоялардан қочиш учун тавсиялар беринг. Ўқувчиларнинг ғояларини муҳокама қилинг ва уларга энг кўпроқ тўғри келадиган бизнес ғояни танлашларига ёрдам беринг. Ўқувчилар ўз ғояларини яратишлари учун мустақил ишлашлари кераклигини ёдда тутинг. Ўқувчилар ўзларининг меҳмонхона корхонаси ғояларини тадқиқ қилаётганда жавоб беришлари керак бўлган саволларни ва зарур бўлганда бажариш керак бўлган ҳар қандай талабларни муҳокама қилинг.<br>• Ўқувчиларни бизнес ғоя таҳлилини ўтказиш концепцияси билан таништириш учун тақдимотдан фойдаланинг. Бизнеснинг ички омиллари кучли ва ожиз томонларини аниқлаш йўли билан қандай қилиб аниқланиши мумкинлигини, ташқи омиллар эса имкониятлар ва хатарларни аниқлаш йўли орқали чиқарилишини муҳокама қилинг.<br>• Ўқувчиларга ўз тадбиркорлик ғояларини таҳлили учун етарлича вақт тақдим этинг. Баҳолаш учун ишчи дафтарида ўқувчилар ўз бизнес ғояларини ёзиб олишлари ва улар томондан танланган корхона ғоясини тасвирлаш учун фойдаланса бўладиган шаблон келтирилган. |
| **С ўқитиш мақсади – Меҳмондўстлик соҳасида янги корхона учун бизнес-режа тузиш** |
| • Ўқувчилар ўзларининг янги меҳмонхона корхонаси учун бизнес режа тузишлари керак. Баҳолаш учун ишчи дафтарида ўқувчилар ўзларининг аниқ бизнеси тўғрисида ахборот қўшишлари мумкин бўлган шаблон келтирилган.<br>• Бизнес режани тузишга бўлган талабларни тушунтириш ва деталларни аниқлаштириш учун тақдимот ва жамоавий муҳокамадан фойдаланинг:<br>o корхона номи ва манзили – ўқувчилар корхона номини ўйлаб топишлари керак; мулкчилик шакли – ўқувчилар ўз бизнесининг ҳуқуқий тузилмасини аниқлашади. Бу 1-модулдагидек: Меҳмондўстликка киришда ўрганилган бўлиши, лекин бу ерда такрорланиши мумкин;<br>o бизнес тури – бизнес турини тўлиқ тасвирлаш, масалан: «қалқиб чиқувчи» вегетариан пицца;<br>o савдо бинолари – ўқувчилар биноларга ставкаларни топишлари амри маҳол, шунинг учун «қалқиб чиқувчи» омборхоналар билан чекланиш мумкин;<br>o бизнесдаги одамлар – ўқувчиларга бизнес юритиш учун зарур бўлган кўникмаларнинг ва зарур бўлган ёрдам шу жумладан, уларга керак бўладиган, талаб қилинадиган кўникма ва ўқитишларнинг тўлиқ таърифи. |




Ўқув-услубий материал – 1-нашр – Феврал 2020 © Pearson Education Limited 2020

| 9-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона |
|---|
| • Бошланғич харажатлар масалан: ускуна ва жихозларга, мисолларни, муҳокама қилинг. Интернет ва бошқа манбалардан фойдаланиб ўқувчиларга ўзларининг бизнесларини очишга керак бўладиган ускуналарнинг рўйхатини тузишни таклиф қилинг. Маҳсулот нархининг оддий ҳисоби баҳолаш учун ишчи дафтарига илова сифатида қўшилган бўлади.<br><br>• Ўқувчилар таклиф қиладиган маҳсулот ва хизматларни муҳокама қилинг. Ўқувчилар улар тўғрисида тўлиқ ахборот беришлари керак, шу жумладан маҳсулотларнинг сотилиш нархи ва ўз маҳсулотларининг таъминот қилинадиган ҳудудлари тўғрисида. Маҳсулот(лар)нинг сотилиш нархини ўрнатиш учун баҳолаш учун ишчи дафтарида маҳсулот нархини ҳисоблаш жадвалидан фойдаланинг.<br><br>• Ўқувчилар ўзларининг мақсадли мижозларини қандай топишлари кераклигини, уларнинг маҳсулот ва хизматларидаги муайян эҳтиёжларини аниқлаш ва қониқтиришлари кераклигини муҳокама қилинг. Рақобатчиларни таҳлил қилиш концепцияларини тадбиқ қилишда давом этинг ва ўқувчиларни ўзларини иш режасини яратишлари учун рақобатчиларни таҳлил қилишга унданг.<br><br>• Янги бизнес корхонани яратишда реклама ва маркетинг ролини аниқлаш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчилардан ўзларининг бизнес ғоялари учун маркетинг материалларига мисоллар тайёрлашларини сўранг.<br><br>• Ўқувчиларга ўз бизнес ғояларини тузишларига етарлича вақт тақдим қилинг. Ўқувчиларга баҳолаш учун ишчи дафтарида тўлдириш учун шаблон берилади.<br><br>• Ўқувчилар ўзларининг индивидуал бизнес режаларини сизга ва синфга тақдим этишлари керак. Ҳамма ўқувчилар томонидан фикр мулоҳазаларни таъминланг, баҳолаш учун ишчи дафтарида ўқувчилар томонидан тўлдирилиши учун шаблон киритилган. Ўқувчиларга олинган шарҳларга асосланиб ўз бизнес-режаларини баҳолашларига имкон беринг. |

## BTEC нинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар деталлари

Бу модул ушбу малаканинг бошқа барча модулларини ўрганишда ўқувчилар томонидан олинган билим ва кўникмаларига таянади.

Pearson ҳар қандай ташқи интернет сайтлар таркибига жавоб бермайди. Ўқитувчилар синфда фойдаланишдан олдин ҳар бир веб сайтни URL-манзил олдингидек аниқ, долзарб ва тегишли эканлигига ишонч ҳосил қилиши учун текширишлари муҳим. Биз ўқитувчиларга фойдали веб сайтларни белгилашларини ва ўқувчиларга мактаб, коллеж интернет орқали ушбу сайтларга киришга имкон тақдим қилишларини таклиф қиламиз.


Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар
Ўқув-услубий материал – 1-нашр – Феврал 2020 © Pearson Education Limited 2020

# Иш схемаси

| Модул | 9-модул: Меҳмондўстлик соҳасидаги бизнес корхона |
|---|---|
| **Ўқув соатлари** | 60 |
| **Дарсларнинг сони** | 20 |
| **Дарслар давомийлиги** | 3 соат |
| **Бошқа модулларга ҳаволалар** | Бу модул ушбу малаканинг бошқа барча модулларини ўрганишида ўқувчилар томонидан олинган билим ва кўникмаларига асосланган. |

| Ўқитиш учун калитлар | | | |
|---|---|---|---|
| **ЁМТ** | Ёзма мустақил топшириқ | **ММ** | Материални мустаҳкамлаш |
| **ТЭС** | Таклиф этилган спикер | **Т** | Ташриф |
| **МЎ** | Мустақил ўқтиш | **ИТ** | Иш тажрибаси |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **1** | А1 Меҳмондўстлик соҳасида бизнес-муҳитга таъсир этувчи муаммолар.<br>Миллий ва халқаро масалалар:<br>• Сиёсий саволлар;<br>• Иқтисодий саволлар. | | • **Кириш:** Ўқувчиларни модул билан таништиринг: модулнинг таркиби, иш схемаси ва баҳолаш мезонлари. Ўқувчиларга улар меҳмонхона бизнесининг янги ташкилоти учун ғоялар яратишлари, режалар тузишларини тушунтиринг. Бу модул жараённинг ҳамма босқичларини ўтишга ёрдам беради. | • модулнинг хусусиятлари<br>• Ручкалар/флипчарт<br>• ўқитувчи тақдимоти<br>• ишчи варақлари |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Синфдаги муҳокама:** дарсни меҳмонхона бизнесини сизнинг ҳудудингиздаги ўсишини муҳокама қилишдан бошланг. Агар сизнинг ҳудудингиз ўсиш ҳудуди бўлмаса сизнинг ўқувчиларингиз таниш бўлган ва охирги пайтлар ўсиш кузатилаётган ҳудудга эътиборни қаратинг.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** Ўқувчиларнинг сўнги пайтдаги меҳмонхона бизнесининг ўсиши сабаблари ҳақидаги фикрини билинг. Улар синфга ўзларини хулосаларини тақдим қилишлари керак.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** меҳмонхона бизнесидаги янги тадбиркорларнинг муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни, мавжуд бўлиши мумкинлигини тушунтириш учун тақдимотдан фойдаланинг. Бу омиллар ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Миллий ва халқаро омилларни ўрганишдан бошланг:<br>  ○ Сиёсий саволлар: бир қатор долзарб, миллий ва халқаро муаммоларни тақдим қилинг ва улар қандай қилиб бизнеснинг янги тадбиркорларига таъсир қилишини муҳокама қилинг. Фойдали шароитларни яратиши каби зарарли шароитларни ҳам яратиши мумкин бўлган сиёсий омилларни ҳисобга олишни унутманг. | |



Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Меҳмондўстлик соҳаси бўйича малакалар
Ўқув-услубий материал – 1-нашр – Феврал 2020 © Pearson Education Limited 2020

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Синфдаги муҳокама:** Муҳокама вақтида ўқувчиларга сиёсий омиллар ҳақида ахборот беринг. Улар учун ишчи варағини ишлаб чиқинг. Бу варақларда улар янги меҳмонхона корхонаси учун ғояларни ўрганишда керак бўладиган эслатмаларни ёзишади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** ўқувчиларни иқтисодий муаммолар билан таништириш учун тақдимотдан фойдаланинг. Бир қатор миллий ва халқаро муаммоларни тақдим қилинг. Муҳокамани ёзиб бориш учун ишчи варағини ишлаб чиқинг.<br>• **Якун:** Хулосалар чиқаринг ва савол-жавоблардан фойдаланиб тушунчани текширинг. | |
| 2 | А1 Меҳмондўстлик соҳасида бизнес-муҳитга таъсир этувчи муаммолар | | • **Кириш:** олдинги дарс мавзусини такрорланг ва ўқувчиларни янги дарснинг мавзуси билан таништиринг: Маҳаллий муаммолар.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилардан меҳмонхона соҳасида янги бизнесни очилишига таъсир қилувчи қандайдир маҳаллий муаммолар мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисида сўранг. Ўқувчиларни қизиқтиринг ҳамда уларнинг фикрини ва таклифларини муҳокама қилинг. | • Ручкалар/флипчарт<br>• ўқитувчи тақдимоти<br>• ишчи варақлари |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | • Маҳаллий муаммолар:<br>○ рақобат;<br>○ мос келувчи жойлар, таъминот ва таъминотчилар манбаларининг мавжудлиги;<br>○ чекланишларни режалаштириш. | | • **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот**: ўқувчиларни маҳаллий муаммолар билан таништириш учун тақдимотдан фойдаланинг, хусусан:<br>○ рақобат – қандай қилиб рақобатчиларни оддий таҳлилини ўтказиш;<br>○ жойлашиш жойлари, таъминот ва таъминотчилар, манбаларнинг мавжудлиги;<br>○ иқтисодий муаммолар – бир қатор миллий ва халқаро муаммоларни ҳал қилиш;<br>○ режалаштириш чекловлари.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** синфни жуфтликларга ажратинг. Ўқувчиларга ўрганиш учун маҳаллий муаммони таклиф қилинг – рақобат, мавжуд жойлар, материаллар ва таъминотчилар, маҳаллий иқтисодий муаммолар ёки режалаш/қурилишдаги чекланишлар. Ўқувчилар ўзларининг ва бошқа жуфтликларнинг натижаларини ёзиб боришлари учун ишчи дафтарини ишлаб чиқинг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** маҳаллий саволларни ҳар бирини муҳокама қилинг.<br>• **Якун:** Хулосалар чиқаринг ва савол ва жавоблардан фойдаланиб тушунчани текширинг. | |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **3** | А1 Меҳмондўстлик соҳасида бизнес-муҳитга таъсир этувчи муаммолар<br>• Ходимлар масалалари:<br>○ мавжудлик;<br>○ иш хақига харажатлар;<br>○ ўқитиш/ тренинглар;<br>○ кўникмалардаги бўшлиқлар. | | • **Кириш:** олдинги дарс мавзусини такрорланг ва янги дарснинг мавзусини тақдим қилинг – ходимлар масалалари.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчиларнинг меҳмонхона соҳасида янги бизнесни очилишига таъсир қилиши мумкин бўлган ходимлар масалалари ҳақидаги билимларини билинг. Ўқувчиларни қизиқтиринг ва улар билан шу масалаларни муҳокама қилинг.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** ходимлар масалаларини тушуниш учун тақдимотдан фойдаланинг, хусусан:<br>○ мавжудлик;<br>○ иш ҳақига харажат;<br>○ ўқитиш/тренинглар;<br>○ кўникмалардаги бўшлиқлар.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** ўқувчилардан ходимлар масалаларини ўрганишларини сўранг. Ўқувчилар ўзларининг хулосаларини ва бошқа жуфтликларнинг натижаларини ёзиб боришлари учун ишчи дафтарини ишлаб чиқинг. Ўқувчилар ўз хулосаларини тақдим қилишади.<br>• **Синфдаги муҳокама:** барча ҳодимлар масалаларини муҳокама қилинг | • Ручкалар/флипчарт<br>• ўқитувчи тақдимоти<br>• ишчи варақлари |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Якун:** Хулосалар чиқаринг ва савол ва жавоблардан фойдаланиб тушунчани текширинг. | |
| **4** | А2 Меҳмонхона бизнесига таъсир кўрсатадиган ҳозирги тенденциялар<br>• Ижтимоий тенденциялар.<br>• Технологик тенденциялар.<br>• Тенденциялар таъсири. | | • **Кириш**: олдинги дарсни мавзусини такрорланг ва ўқувчиларни берилган дарснинг мавзуси билан таништиринг – жорий тенденциялар.<br>• **Синфдаги муҳокама:** Ўқувчиларнинг меҳмондўстлик соҳасига таъсир қиладиган жорий тенденциялар ҳақидаги фикрини сўранг. Ўқувчиларни қизиқтиринг ва уларнинг ғояларини муҳокама қилинг.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** Жуфтликларда ишлаш. Интернет, тижорий матбуот, журналлар, телевидение, фильмлар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб, ўқувчиларга аниқланган ижтимоий ва технологик тенденциялардан бирини тадқиқ қилиш имконини беринг. Жуфтликлар ўз натижалари билан бўлишишлари керак.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот**: ўқувчиларнинг хулосаларини умумийлаштириш ва улар томонидан аниқланган тенденцияларни тўлдириш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчиларнинг тенденциялар бўйича билимлари чекланган бўлиши мумкин.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ижтимоий ва технологик тенденцияларнинг ҳар бирини ва уларнинг таъсирини муҳокама қилинг. | • Ручкалар/флипчарт<br>• ўқитувчи тақдимоти<br>• интернетдан, тижорий матбуотдан, журналлардан, телевидениядан, фильмлар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкони. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Якун:** Хулосалар чиқаринг ва савол ва жавоблардан фойдаланиб тушунчани текширинг. | |
| **5** | А2 Меҳмонхона бизнесига таъсир кўрсатадиган ҳозирги тенденциялар<br>• Атроф-муҳит тенденциялари.<br>• Тарбиявий тенденциялар.<br>• Тенденциялар таъсири. | | • **Кириш:** олдинги дарс мавзусини такрорланг ва ўқувчиларни берилган дарснинг мавзуси билан таништиринг – жорий тенденциялар.<br>• **Синфдаги муҳокама:** Ўқувчиларнинг меҳмондўстлик саноатига таъсир қиладиган жорий тенденциялар ҳақидаги фикрини сўранг. Ўқувчиларни қизиқтиринг ва уларнинг ғояларини муҳокама қилинг.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** Жуфтликларда ишлаш. Интернет, тижорий матбуот, журналлар, телевидение, фильмлар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб, ўқувчиларга аниқланган атроф-муҳит ва тарбиявий тенденциялардан бирини тадқиқ қилиш имконини беринг. Ҳар бир жуфтлик ўз тадқиқотларини бутун синф билан бўлишиши керак.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот**: ўқувчиларнинг хулосаларини умумлаштириш ва йўналишларини тўлдириш учун тақдимотдан фойдаланинг. Ўқувчиларнинг билимлари чекланган бўлиши мумкин.<br>• **Синфдаги муҳокама:** атроф-муҳит ва ахлоқий тенденциялар ва уларнинг таъсирини муҳокама қилинг. | • Ручкалар/флипчарт<br>• ўқитувчи тақдимоти<br>• интернетдан, тижорий матбуотдан, журналлардан, телевидениядан, фильмлар ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкони. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** ўқувчиларга маркетинг ва оммавий ахборот воситалари (тижорий матбуот, журналлар, телевидение, фильмлар, ижтимоий тармоқлар) нинг тенденцияларга таъсири ҳақида айтиб беринг. Маркетинг ва оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ бўлган охирги тенденциялардан мисоллар келтиринг. Меҳмондўстлик соҳасига таъсир қилувчи глобал ва умуммиллий омилларни ҳисобга олинг. Ижтимоий тармоқларда муҳокама қилаётганда рақамли инқилобнинг ишлаб чиқариш технологияси ва истеъмолга таъсири хақида – Фейсбук ва Инстаграм каби платформалар таъсири, меҳмонхона бизнесининг мижозлар билан алоқасини осонлаштиргани ва ҳоказо ҳақида гапиринг.<br>• **Якун:** хулосалар чиқаринг ва савол ва жавоблардан фойдаланиб тушунчани текширинг. | |
| **6** | Мавзу/семинарни мустаҳкамлашни баҳолаш | ЁМТ | • **Кириш:** А ўқитиш мақсадини эсланг: меҳмондўстлик соҳасида янги тадбиркорлар муваффақиятига таъсир қилиши мумкин бўлган омилларни тадқиқ қилинг.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** ўқувчиларга баҳолаш учун ишчи дафтарларини тарқатинг, ўқувчиларнинг ушбу мавзуни тушунганликларига ишонч ҳосил қилиши учун қисқа баёнотни кўриб чиқинг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** баҳолаш учун ишчи дафтарида 1-вазифа учун талаблар ва шартларни муҳокама қилинг. | • Модул спецификацияси<br>• Ручкалар/флипчарт<br>• Ўқитувчи тақдимоти<br>• Баҳолаш учун ишчи дафтарлари |



 © Pearson Education Limited 2020

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Мустақил бажариш учун машқ:** баҳолаш бўйича иш. Ўқувчилар баҳолаш учун ишчи дафтари устида мустақил ишлашлари керак.<br>• **Якун:** ўқувчилар баҳолаш учун ишларини топширишлари керак. | |
| **7** | B1 Меҳмондўстлик бизнеси учун турли ғояларни таклиф этиш<br>• Бизнес- ғоялар. | | • **Кириш:** ўрганишни ўқитиш мақсадига киришдан бошланг. Бу ўқувчилардан янги меҳмонхона корхонаси учун ғоялар таклиф қилишни талаб қилади.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** ўқувчиларни бизнес ғояларни ишлаб чиқиш билан таништириш. Тақдимот бизнес ғояларни яратиш учун асос сифатида қуйидаги ҳаракатларни таърифини ўз ичига олган бўлиши керак – ҳар бири учун мисоллар келтиринг:<br>○ маҳсулот ва/ёки хизматларни янги шароитларда тақдим қилиш;<br>○ товар ва/ёки маҳсулотларни янги бозорларга тақдим қилиш;<br>○ бозордаги бўшлиқларни аниқлаш;<br>○ ҳар хил турдаги мижозларга йўналтирилиш. | • Модул спецификацияси<br>• Ручкалар/флипчарт<br>• Ўқитувчи тақдимоти |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Синфдаги муҳокама:** Бизнес турини муҳокама қилиш вақтида ўқувчиларнинг фикрини жамлаш. Ўқувчилар бизнес режа тузишлари кераклигини ёдда тутинг, шунинг учун ғоялар ҳақиқатга яқин бўлиши керак. Бизнес ғояни битта «йўналтирилган» маҳсулотни, масалан: пицца бўлаклари, қозондаги овқатлар ва ҳоказо ва уларни сотиш орқали чеклаш ўқувчиларга С ўқитиш мақсадига эришиш учун зарур бўлган барча ҳаракатларни бажаришга имкон беради. Ўқувчилар ўзларининг ғояларини амалга ошираётганда ҳисобга олишлари зарур бўлган омилларни муҳокама қилинг, жумладан:<br>○ тенденциялар ёки муаммолар;<br>○ мақсадли бозорга мос келувчи маҳсулот ва/ёки хизматлар;<br>○ бизнеснинг жойлашуви.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ/жуфтликларда:** ўқувчилардан бизнес ғояларни яратаётганда учта омилни ҳисобга олишларини сўранг. Кейин ҳар бир жуфтлик синф билан ўз фикрини бўлишиши керак.<br>• **Якун:** хулосалар чиқаринг ва савол ва жавоблардан фойдаланиб тушунчани текширинг. | |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 8 | Бизнес-ғоялар бўйича семинар | | • **Кириш:** Ушбу дарс бизнес ғояларни ишлаб чиқишни енгиллаштириш учун қаратилганлигини тушунтиринг**.**<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги машқ:** Ўқувчиларга ўз бизнес ғояларини амалга оширишда ёрдам беринг**.** Тўғри келмайдиган ғояларни яратишдан қочиш учун тавсиялар беринг. Ўқувчиларни ғояларини муҳокама қилинг ва уларга энг муносибини танлашда ёрдам беринг. Ўқувчилар меҳмонхона бизнесини яратиш учун ўз ғояларини таърифлаётганларида қамраб олиниши керак бўлган масалаларни муҳокама қилинг.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** Ўқувчилардан учта меҳмонхона корхонаси ғоясини ўйлаб топишларини ва улардан биттасини танлашларини сўранг.<br>• **Якун:** хулосалар чиқаринг ва савол ва жавоблардан фойдаланиб тушунчани текширинг. | • Ручкалар/флипчарт |
| 9 | B2 Меҳмондўстлик соҳасидаги битта бизнес ғояни айтиб беринг.<br>• Корхона ғояси.<br>• Зарур бўлган манбалар.<br>• Харидорнинг хоҳиш ва истаклари. | | • **Кириш:** Олдинги дарсни такрорланг ва бу дарснинг мавзусини тақдим қилинг – меҳмонхона корхонасини яратишнинг битта ғоясини таърифланг.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар қайси корхона ғоясини тақдим қилишларини ҳал қилишлари керак. Ўқувчилар таърифлашлари керак бўлган барча йўналишлар бўйича эслатмалар қила олишлари учун баҳолаш учун ишчи дафтар шаблонининг нусхасини тарқатинг. | • Ручкалар/флипчарт<br>• Ўқитувчи тақдимоти<br>• Баҳолаш учун ишчи дафтаридан корхона ғоясини таърифлаш учун шаблонларнинг тоза нусхалари |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот/тадбир:** ўқувчилар ўз корхоналарининг ғояси учун таърифлашлари керак бўлган ҳар бир йўналишни муҳокама қилиш учун тақдимотдан фойдаланинг:<br>○ бизнес тури – бизнес таърифи;<br>○ ноёб савдо таклифи – ноёб савдо таклифи бу нима? USP ташкилоти меҳмондўстлик соҳасидан мисоллар келтиринг. Ўқувчиларни уларнинг бизнесини нима ноёб қилиши ҳақида ўйлашларига ундант;<br>○ маҳсулотлар – ўқувчилар ўзларининг маҳсулотларига тўлиқ таъриф беришлари керак;<br>○ хизматлар – ўқувчилар ўзларининг хизматларини тўлиқ таърифини тақдим қилишлари керак бўлади (агар қўллаш мумкин бўлса);<br>○ мақсадли бозор – ўқувчилар ўз маҳсулотларини кимга ва нима учун сотишларини таърифлашлари керак бўлади;<br>○ мавжуд бўлган рақобат– 2 хафтага тегишли ўқувчилар ким уларнинг рақобатчилари бўлишини таърифлашлари керак бўлади.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилар ҳар бир масалани муҳокама қилишлари керак бўлади. | |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот/тадбир.** Зарур бўлган манбаларни муҳокама қилиш учун тақдимотдан фойдаланинг:<br>○ ўзининг вақти, бошқаларнинг вақти, кўникмалари ва билим соҳалари;<br>○ молия, материаллар, ускуналар.<br>• **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилар ҳар бир пунктни муҳокама қилишлари лозим.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот/тадбир:** мижознинг эҳтиёж ва талабларини муҳокама қилиш учун тақдимотдан фойдаланинг:<br>○ Бирламчи тадқиқот, масалан: ижтимоий тармоқлардаги саволлар ёки интервью, анкеталарда, юзма юз саволларда;<br>○ Иккиламчи тадқиқот, масалан: омиллар, ҳисоботлар, тенденциялар.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ўз синфдошларининг хоҳиш ва эҳтиёжлари ҳақида сўровнома ўтказиш учун анкета, шунингдек, таклиф қилинаётган маҳсулотлар анкетасини ишлаб чиқишади.<br>• **Якун:** хулосалар чиқаринг ва савол ва жавоблардан фойдаланиб тушунчани текширинг. | |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **10** | Бизнесни тасвирлаш бўйича семинар | ЁМТ | • **Кириш:** ўқучилар ўз корхоналарининг ғоясини тушунтиришлари осон бўлиши учун берилган дарснинг мазмунини тушунтиринг.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчиларни корхонани ташкил қилиш бўйича ғояларини тасвирлашларини сўранг – ўқувчилар бир бирларидан алоҳида алоҳида ишлашлари керак.<br>• **Якун:** ривожланишни текшириш учун фаолиятнинг қисқача таърифи ва саволлар ва жавоблар сессияси. | • Ручкалар/флипчарт<br>• Баҳолаш учун ишчи дафтаридан корхона ғоясини таърифлаш учун шаблонларнинг тоза нусхалари |
| **11** | B3 Танланган меҳмондўстлик компаниясининг ғоясига мувофиқлигини баҳолаш<br>• Танланган ғоя таҳлили:<br>  ○ кучли тарафлар;<br>  ○ камчиликлар;<br>  ○ имкониятлар;<br>  ○ таваккаллар. | | • **Кириш:** олдинги дарсни мустаҳкамланг ва янги дарснинг мавзусини тақдим қилинг – меҳмонхона корхонасининг ғояси яроқлилигини баҳолаш.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** ўқувчиларни корхона ғоясини ҳаётийлигини баҳолаш учун кучли ва ожиз томонлар, имкониятлар ва хатарлар (SWOT) таҳлилидан фойдаланиш концепцияси билан таништиринг, шунингдек, ўқувчиларга ушбу таҳлил мақсадини тушунтиринг.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** бизнеснинг тақлидий таърифидан фойдаланиб (баҳолаш учун ишчи дафтаридаги шаблонидан фойдаланиб) ўқувчиларга SWOT усулидан фойдаланиб, бир қатор омилларни аниқлаш имконини беринг. Сўнгра ҳар бир жуфтлик бутун синф билан ўз фикрини бўлишиши керак. | • Ручкалар/флипчарт<br>• Ўқитувчи тақдимоти<br>• Саҳналаштирилган бизнес таърифи |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилардан жуфтлик фаолияти натижаларини таҳлил қилишларини, ўз ёзувларини тушунтиришларини сўранг. Ўқувчиларнинг ғоя кўриб чиқилаётган таркибига боғлиқ ҳолда кучли томонлар заиф ва аксинча бўлиши ҳақида хабардорлиги тўғрисида ишонч хосил қилинг.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** ўқувчилар ўз корхоналари ғоясининг яроқлилик таҳлили пайтида ҳисобга олишлари керак бўлган омилларни таҳлил қилинг.<br>• **Якун:** хулосалар чиқаринг ва савол ва жавоблардан фойдаланиб тушунчани текширинг. | |
| **12** | Мавзу/семинарни мустаҳкамлашни баҳолаш | ЁМТ | • **Кириш:** бу дарс уларнинг корхона ғояларини баҳолашни енгиллаштиришдан иборат эканлигини тушунтиринг.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ўзларининг тадбиркорлик ғояларининг яроқлилигини баҳолашади – ўқувчилар бунинг устида мустақил ишлашлари керак.<br>• **Якун:** фаолиятнинг қисқача таърифи ва билимларни текшириш учун саволлар ва жавоблар сессияси**.** | • Модул спецификацияси<br>• Ручкалар/флипчарт<br>• Ўқитувчи тақдимоти<br>• Баҳолаш учун ишчи дафтарлари |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **13** | C1. Меҳмондўстлик соҳасида бизнес режа | | • **Кириш:** охирги ўқитиш мақсадини қайтаринг ва мустахкамланг ва бу дарснинг мавзусини тақдим этинг: Корхона бизнес-режаси.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** корхона бизнес-режасидан фойдаланиб, тўлдириш керак бўлган соҳаларни муҳокама қилинг. Ушбу ва бошқа бўлимларда таркибнинг катта қисми ёритилади, шунинг учун олдин қамраб олинмаган соҳаларга эътиборни жамлаш зарур.<br>• Бизнес-мақсадлар билан бошланг. Мақсадлар оддий лекин уларга эришса бўладиган бўлишлигини тушунтиринг. SMART бўлиши керак бўлган мақсадлар хақида қисқача айтиб беринг (аниқ, ўлчаб бўладиган, эришса бўладиган, ҳақиқий, вақтда чекланган). Меҳмондўст ташкилотларининг уларнинг вазифаси/бизнес қарашлари ҳақидаги баёнотига нисбатан фаолиятидан мисоллар келтиринг. Буни қандай қилиб бизнес мақсади сифатида кўриш мумкинлигини тушунтиринг.<br>• **Синфдаги муҳокама:** вазифа/бизнес қарашлар ҳақидаги баёнотлар мақсадини муҳокама қилинг. Ўқувчилардан ушбу вазифа/бизнес қарашлар ҳақидаги баёнотлар имидж ёки бренд яратишга ёки USP ташкилотга ҳисса қўшишга ёрдам беряптими шу ҳақида ўйлаб кўришларини сўранг. | • Ручкалар/флипчарт<br>• Ўқитувчи тақдимоти<br>• Баҳолаш учун ишчи дафтаридан бизнес режанинг тоза нусхалари<br>• Меҳмонхона корхонасининг вазифа/ғоялари ҳақидаги баёнотлари мисоллари<br>• Саҳналаштирилган бизнес таърифи<br>• Баҳолаш учун ишчи дафтаридан маҳсулотнинг таннархини хисоблаш.<br>• Маҳсулотни тўлдирилган дастлабки ҳисоблаш жадваллари |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** олдинги дарсдан бизнеснинг тахминий таърифидан фойдаланиб, ўқувчилардан SMART вазифаси ҳақида баёнот тайёрлашларини сўранг. Ўқувчилар уларни муҳокама қилиш учун синфга тақдим қилишади.<br>• **Синфдаги муҳокама:** бизнесни юритиш учун зарур бўлган кўникмаларни муҳокама қилинг – ходимлар ва менежмент учун зарур бўлган кўникмалар.<br>• **Жуфтликда бажариладиган машқлар:** олдинги дарсдан бизнесни тахминий таърифидан фойдаланиб, ўқувчилардан бизнесни яратиш ва юритиш учун зарур кўникмаларини аниқлашларини сўранг. Ўқувчилардан улар ходимларни қандай ўқитишлари ҳақида сўранг.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:** маҳсулотлар нархи ҳақида. Баҳолаш учун ишчи дафтарида маҳсулотни хисоблаш жадвалидан фойдаланиб, маҳсулот сотилиш нархи қандай ҳисобланишини ва қандай қилиб ўқувчилар сотилиш нархини аниқлашлари мумкинлигини тушунтиринг.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** маҳсулотнинг дастлабки ҳисоби ведомостидан фойдаланиб, ўқувчилардан манбаларнинг умумий нархини аниқлаш учун, масалан: таркибини ва сотилиш нархини белгилаш ҳисобларни бажаришини сўранг. Натижаларни муҳокама қилинг. Ўқувчилар жараён билан таниша олишлари учун қўшимча маълумотлар тақдим қилинг. | |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| | | | • **Синфдаги муҳокама:** ўқувчилардан таъминотчилар муҳокама қилинган 2-дарсни эслашларини сўранг. Саҳналаштирилган бизнесга мурожаат қилинг, ўқувчилардан маҳаллий таъминотчиларни аниқлашларини сўранг.<br>• **Якун:** хулосалар чиқаринг ва савол ва жавоблардан фойдаланиб тушунчани текширинг. | |
| **14 – 16** | Мавзу/семинарни мустаҳкамлашни баҳолаш | | • **Кириш:** ўқувчиларга ушбу дарсларда олинган сабоқлар уларга ўз бизнес режаларин амалга оширишга ёрдам беришини тушунтиринг.<br>• **Мустақил бажариш учун машқ:** ўқувчилар ўз бизнес режаларини тузаётганда мустақил ишлашлари керак.<br>• **Якун:** ўқитиш якунини чиқаринг ва ривожланишни текшириш учун савол ва жавоблар сессиясини ўтказинг. | • Модул спецификацияси<br>• Ручкалар/флипчарт<br>• Баҳолаш учун ишчи дафтари |




Ўқув-услубий материал – 1-нашр – Феврал 2020 © Pearson Education Limited 2020

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
